



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 17 сентябрь, сешанба • № 74 (10.849) • Эркин нарҳда сотилади.

Президент ҳузуринда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов 16 сентябрь куни Украина Республикаси ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенкони қабул қилди.

Ислоҳ Қаримов Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатлар бошқаларга намуна бўлгулик экани, икки мамлакатнинг талай халқаро муаммоларга муносабатида уйғунлик мавжудлигини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари мавжуд ютуқларни янада мустақкамлаш йўлидан боришимиз лозимлигини таъкидлади.

Сухбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама муносабатларни, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Учрашувда Украина Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Сметанин ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

МАЪНАВИЯТ — ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бошқаруви ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда Президент Фармони асосида маънавиятни, неча минг йиллик урф одатларимиз ва анъаналаримизни тиклаш ҳамда янада ривожлантириш, уларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишни марказ раҳбари Н. Аминов очди.

Сўзга чиққанлар юртбошимизнинг марказ раҳбарияти ва бошқарув аъзолари билан ўтказган бевосита мулоқоти ҳамда бу борада чиқарган фармони халқимиз томонидан зўр қониқиш билан кутиб олинганини таъкидладилар. Кенг жамоатчилик вакиллари «Маънавият ва маърифат»

марказига келиб ўзларининг бу соҳадаги фикр-мулоҳазаларини баён этаётгани, маънавий тарғиботнинг асосий йўналишларини белгилаш бўйича ўз таклифларини ўртага ташлаётгани бунинг яққол мисолидир.

Йиғилишда мазкур соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, марказнинг жойлардаги бўлимлари ишини янада жонлантириш, олий ўқув юрталари дастурига маънавият дарсларини киритиш, услубий адабиётларни нашр этиш, маънавий кунлари ўтказишни анъанага айлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев йиғилишда сўзга чиқди.

(ЎЗА).

Ҳужжат имзоланди

16 сентябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйига ташриф буюрди.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Украина Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик ва фаолиятни ўзаро мувофиқлаштириш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон ва Украина ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Абдулазиз Комилов ва Геннадий Удовенко имзо чекди.

Маросимда Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Сметанин ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

Олий кадрият

Ватан, кучоғингда балқиди тафаккур,
Элни, дилни поклагай шу муқаддас нур.

«Тошкент ҳақиқати»нинг маънавият ва маърифатга бағишланган махсус саҳифаси

Файласуфлардан бири айтган экан: «Инсоннинг оёғи ўз юрти заминиде томир отиши керак, лекин, унинг нигоҳи бутун дунёни кузатсин. Кимки ўз юртини сева олмаса, у ҳеч кимни сева олмайди!...» Бироқ, дунёни теран англамоқ, келажак учун, ўз халқни бахт-саодати учун ёниб яшамоқ учун ҳар бир киши қалбида эзгулик, жасорат, маънавий гўзаллик камол топмоғи лозим. Бу эса

мустақиллик йўлидан бораётган навқирон Ўзбекистонимиз ва унинг меҳнаткаш ва саховатли халқи келажаги учун ниҳоятда муҳимдир. Президентимиз Ислоҳ Қаримов маънавият масалаларини давлат сиёсати даражасида баҳолагани ва бу ҳақда алоҳида Фармон чиқаргани бежиз эмас.

Х ў ш
МАЪНАВИЯТ
дегани аслида

инсонларга ва умуман, жамиятга берадиган самараси нималардан иборат?

Бугун вилоятимизда маънавият ва маърифат масалаларига бағишлаб ўтказиладиган илмий-амалий анжуманда ана шулар ҳақида муфассал гаплашиб олинади.

Газетамизнинг бу тadbирга бағишланган «ОЛИЙ КАДРИЯТ» деб номланган махсус саҳифаси материаллари билан ички бетларда танишасиз.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ҚУРИЛИШИ ТУГАМАЁҚ ГАЗ КЕЛМОҚДА

ҚИБРАЙ тумани хонадонлари тўла газлашган. Жойларда эса янги қурилишлар давом этапти. Бир қатор ҳудудларда ўнлаб оилалар янги уйларга кўчиб ўтишмоқда. Туман газлаштириш идораси янги қуриладиган хонадонларни ҳам хушнуд этиш мақсадида 6 километр масофага газ қувурларини ўтказди. Бирлик, Қизилту, Қипчоқ, Тўқай маҳаллаларида қад кўтарган янги уйларда қурилиш ишлари тўла тугалланмасдан хонадонларга газ кириб келди.

Абдулҳамид ФОЗИЛОВ.

«ОТАЖОН» САҶГА КЎШИЛДИ

БўКА туманида кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, тadbиркорлик билан шуғулланишни истаганлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шу туфайли ҳам бу ерда кичик ва хусусий корхоналар кўпаймоқда, умумий овқатланиш шахобчалари кенгаймоқда, мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги тadbиркорлик тизимлари барпо этиляпти.

Яқинда шаҳарда яна бир кичик корхона ишга тушди. «Отажон» деб номланган бу корхона жамоаси жуда хайрли ишларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. У туман аҳолисини турли хил қурилиш материалларига нисбатан ортиб бораётган талабини қондиришга баҳоли-қудрат кўмаклашишга аҳд қилган. Ҳозирнинг ўзидаёқ, айниқса, яқка тартибда уй-жой қурувчилар уларнинг меҳнатидан миннатдор бўлишяпти. Чунки, корхонада шифер, цемент, ойна, мих, тахта

ва бошқа шу каби материалларни бозор нарҳидан анча камга харид қилмоқдалар.

Бу ерда мижозлар буюртмаси билан турли хил дурдодорлик буюмлари, жумладан эшиклар, дераза ромлари ҳам тайёрлаб берилмоқда. Корхонада харид қилинган моллар харидорнинг уйига элтиб бериляпти. Бу билан улар ортиқча овозгарчиликдан халос бўлишди. Ишчилардан Хидирали Холметов, Зиёдулла Жўраев, Дониёр Дўсмаатовлар харидорларга хизмат курсатишда бошқаларга намуна бўлмоқда.

— Ҳозирча ўн нафар кишини иш билан таъминладик, — дейди корхона раҳбари Рустамжон Чолдибоев. — Илоҳи борича яна янги иш ўринларини ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Бу билан ҳозирги вақтда бекорчи бўлган ишчи қучларини меҳнатга жалб қилишга оз бўлса ҳам ҳисса қўшамиз.

Хусан АБВАЛОВ.

«ЁШЛИК» ХИЗМАТ ҚИЛА БОШЛАДИ

БўКА тумани марказида яна бир умумий овқатланиш корхонаси ҳўрандаларга хизмат кўрсатишга киришди. Қаровсиз қолиб, путурдан кетган бинони қайта қуриб, барпо этилган бу ошхонага «Ёшлик» номи берилганлиги бежиз эмас. У, асосан, ёшларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган.

Миллий меъморчилик анъаналари асосида янгидан тикланган ошхонанинг қатор бўлимлари бор. Уларнинг бирида фақат миллий таомлар тайёрланади, иккинчисида музқаймоқ билан савдо қилинади. Қандолатчилик махсулотлари сотиладиган бўлинма ҳам бор. Улар ҳўрандалар ва харидорлар билан доим гавжум бўлаяпти. Ошхонада ўн нафар фуқаро иш билан таъминланди.

А. ХУСАНОВ.

МЕҲНАТ БОЗОРИ ЯРМАРКАСИ

ПАРКЕНТДА навбатдаги меҳнат бозори ярмаркаси бўлиб ўтди. Туман меҳнат биржаси ва «Камолот» жамғармасининг туман бўлими уюштирган бу тadbирда 22 та корхона, ташкилот ҳамда ўнга хўжалик иштирок этди. Унга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилгани учун ҳам якуни анча самарали бўлди. Ярмаркани ўтказишдан кўзланган мақсад радио орқали тушунтириб турилди. Чунки туманда ишсизлар сони ҳисобга олиниб, корхона ва хўжаликлар қандай касб эгаларига муҳтож эканликларини олдиндан ўрганилган эди.

Ярмаркада рўйхатга олинган 78 ишсиздан 38 нафари ишга жойлаштирилди. Биргина тўқимачилик корхонаси жамоаси сафига яна ўн бир киши қўшилди. Касалхонага ҳам бир неча нафар ходим қабул

қилинди.

— Бундан ташқари, — дейди «Камолот» жамғармасининг туман бўлими раиси Маҳаммадхон Иброҳимов, — «Устозшоғирд» курсларига ҳам 15 киши қабул қилинди. Улар асосан ёшлар бўлиб, устозларга шоғирд тушадилар ва уларнинг раҳбарлигида турли касбларни ўрганадилар. Янги қабул қилинганлар тикувчи, сандиқчи, радио-телевизор усталари бўлиб чиқадилар. Бу тadbир ишсизлар, айниқса, бекорчи ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилишнинг самарали шакли эканлигини ҳаёт кўрсатди. Шунинг учун уни вақти-вақти билан тез-тез уюштириб турамиз.

Собир ҲАМИДОВ.



Даврон АХМАД олган сурат.

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

14 СЕНТЯБРЬ кунни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишида «Фуқароларни навбатдаги муддатли ва муқобил хизматга чақиришга тайёргарлик кўриши ва ўтказиш ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Мажлисни вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев бошқарди.

Вилоятда фуқароларни 1996 йил баҳорги ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш уюшқоқлик билан ўтганлиги таъкидланди. Вилоят шаҳар ва туман ҳокимлари маҳкамалари, мудофаа ишлари бўйича бўлимлар ва жамоат ташкилотлари ҳарбий хизматга чақиришга пухта тайёргарлик кўриб уни муваффақиятли ўтказишди. Бекобод, Қибрай, Қуйи-чирчиқ, Чиноз, Юқоричирчиқ ва Янгийул туманлари чақириш режасини бажаришда яхши натижаларга эришди. Айни пайтда бир қатор шаҳар ва туманларда 1996 йилнинг баҳорида ҳарбий хизматга чақиришда тайёргарлик кўриш ва чақириш чоғида жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги мажлисда кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда сўзга чиққан мудофаа ишлари бўйича вилоят бошқармаси бошлигининг муовини Р. Х. Тошхўжаев баҳорги чақириш уюшқоқлик билан ўтганини таъкидлаш билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни кузги чақириш чоғида тақорланмаслигини олдини олиш мақсадида бир неча масалалар устида батафсил тўхталиб ўтди.

Мажлисда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси шаънига жиддий талаблар

қўйилди. Тошкент вилояти прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи Б. Х. Иноғомов чақирилувчиларнинг 13 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилишга бошқатдан қайтарилганини, шунинг учун бу иш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган касаллик ва жисмоний нуқсонлар рўйхатига қатъий амал қилган ҳолда пухта ўтказилишини таъминлаш ва масъулиятсизлик оқибатида юз берадиган айрим камчиликларни олдини олиб, ёшларни ҳарбий хизматга чақиришдек масъулиятли тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишда ҳамма бирдек жон куйдириб ишлаши лозимлигини айтди.

Вилоят ҳокимининг муовини — чақириш комиссиясининг раиси Д. Н. Жаҳонгирова ва мудофаа ишлари бўйича вилоят бошқармаси бошлигининг ўринбосари Р. Тошхўжаевларга вилоят тўпланиш жойининг, шаҳар ва туман чақириш комиссияларининг мудофаа ишлари бўйича бўлимларининг чақиришга тайёргарлик ва уни ўтказиш давридаги ишини назорат қилиши, аниқланган камчиликларни тугатиш учун тезлик билан чора кўришлари, ҳар бир белгиланган муддатда вилоят тўпланиш жойида митинг ўтказиб, ҳарбий қисмга чақирилувчиларни тантанали кузатишни ташкил этиш топширилди.

Шу билан бир қаторда мажлисда ҳарбий хизматга чақириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб ўтилди ва тегишли тадбирлар белгиланди.

Вилоят ҳокимлигида

ИСЛОҲОТ — ТАШАББУСНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Тошкент вилоятида иқтисодий ислохотларнинг қандай амалга оширилаётгани ва шу йил 10 сентябрь кунни Гулистонда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг сайёр мажлисида қўйилган вазифалардан келиб чиқадиган ҳулосалар хусусида фикрлашиб олиш учун 14-сентябрь кунни вилоятимизда фаолият кўрсатаётган турли соҳа вакиллари вилоят ҳокимлигида йиғилдилар.

Мажлисни вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Асадов бошқариб борди.

Йиғилганлар ҳузурда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг бошлиғи В. Л. Лозицкий маъруза қилди.

Мажлисда ҳокимликлар, идоралар, уюшмаларнинг, давлат мулкни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг бошлиқлари, банклар ва биржаларнинг, «Бизнес-фонд», «Мадад» сугурта агентлигининг, «Вилоятсавдо», вилоят матбуот жамаиоти ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Вилоятда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағ, хусусий ва кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларни рўйхатга олиш, бозор инфратузилмалари ташкилотларини ташкил қилишга доир вазифалар қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Ҳали кўп жойларда иқтисодий имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётгани, хусусийлаштиришни кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун жойларда ташаббускорлик кўрсатилмаётгани қайд этилди.

Мажлисда вилоятда бозор муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган турли говларни бартараф этиш тўғрисида батафсил гаплашиб олинди. Бир қатор зарур тавсиялар берилди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарининг раислари тадбиркорларга ҳуқуқий, аудит ёрдам бериш, консалтинг хизматларини кўрсатишда, шунингдек бизнес-режалар, ҳисоб-китоб режалари тузишда рўй бераётган мавжуд қийинчиликлар юзасидан бизнес-фонд, тадбиркорбанк, вилоят солиқ бошқармаси раҳбарларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан муурожаат қилдилар.

Вилоят тадбиркорларини қўллаб-қувватлашда бизнес-фонднинг фаолияти хусусида бизнес-фонднинг вилоят бошқармаси бошлиғи И. Нигмоновнинг ахбороти тингланди.

Вилоят солиқ бошқармасининг бошлиғи Р. Усмонов кўпчиликни қизиқтирган масалалар мавзусида сўз юритди.

Шунингдек мажлисда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг муовини Б. А. Ҳосилов жойларда пул эмиссияси даражасини пасайтириш ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг раҳбарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби хусусида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

• Ҳосил — 96 • Ҳосил — 96 • Ҳосил — 96 •



Янгийул туманидаги «Тинчлик» жамоа ҳўжалигида пахта йиғим-терими кун сайин авж оляпти. Ҳўжаликда бу йил 940 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан хирмон кўтариш режалаштирилган. Қишлоқда куч-қуввати бор жами аҳоли йиғим-теримда иштирок этипти. Шулардан бири — Дилбар Абубакирова кунига 150 килограммдан пахта териб топширмоқда. Унинг шу кунгача терган пахтаси 1500 килограммга етди.

Даврон АХМАД олган сурат.

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИЛЯПТИ

Чиноз туманидаги «Гулзоробод» жамоа ҳўжалиги пахта йиғим-теримида туманда пешқадамлик қилаётир. Бу ерда ҳар кунни 300 дан кўпроқ теримчилар далага чиқишяпти. Ҳар бир киши ўрта ҳисобда 60—70 килограммдан пахта термоқда. Баҳром Умаров, Асрор Собиров бошлиқ бригадалар режанинг 3—4 фоизи миқдориде пахта жўнатмоқда.

Ҳўжаликда машина теримига ҳам пухта тайёргарлик кўриляпти. Олтита терим агрегати мавсумга шай қилиб қўйилди. Ҳар бир механик ҳайдовчи камида 100 тоннадан пахта теришни ўз зиммасига олган. Баҳром Мансуров, Шухрат Марасуловлар эса 150 тоннани кўзламоқдалар. Бу йил ҳўжаликда 400 гектар майдондан 1104 тонна пахта хирмони уюлади. Шунда ҳосилдорлик 28 центнердан ошади.

Раҳим КОДИРОВ.

ДЕҲҚОНЛАР БОЙ БЎЛМОҚДА

Оҳангарон туманида бу йил ҳар қачонгидан мўл сабзавот ва мева етиштирилмоқда. Асл деҳқон ҳозир туку-кун далада — янги йиғиштирилган ҳосилни пешма-пеш шаҳарликлар дастурхонига етказиш ташвишида. У пешона тери эвазига етиштирган маҳсулотидан нафақат Ўзбекистон, балки ҳамдўстликдаги истеъмолчилар ҳам баҳраманд бўлишни хоҳлайди. Аммо сўнги йилларда сабзавот ва мевани четга чиқариш мушкул бўлиб қолган эди. Транспорт ҳаражатлари юқори. Айтмайлик, уч сўмлик памидорни Россия шаҳарларига саккиз-ўн сўм тўлаб етказишга тўғри келиб қолди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг кўни-кеча қабул қилган 1996 йилги ҳўл мева ва сабзавотни Ўзбекистон Республикасидан четга сотиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори эса айни муддао бўлди. Мазкур ҳўжжатга кўра темир йўлда ҳўл мева ва сабзавот ташини ҳақлари икки бараварга камайтирилди.

«Ангрен» ширкат жамоа ҳўжалиги деҳқонлари ҳам мазкур имтиёздан мамнун. Зеро уларда деҳқончилик қилиш учун имкониятлар бор. Мустақиллик шарофати ила деҳқонларга катта ҳуқуқ ва эркинликлар, зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Улар эндиликда ўзларини ерининг ҳақиқий эгалари сифатида ҳис қилишяпти, натижалар эса чакки эмас.

МАҲКАМ БЕЛНИ БОҒЛАДИ

Биринчи бўлимнинг Оқмачитсой этакларидаги далалар Маҳкам Назаров бригадасига тегишли. Маҳкам ҳўжаликда ўн йилдан бери ишлайди, ҳозир тасарруфида олтимиш гектар ери бор. Бултур йилни 50 минг сўм даромад билан яқунлаганидан қониқиш ҳосил қилиб бу гал ҳам эрта баҳордан белни яна маҳкам боғлади. Айни пайтда 16 гектар майдонда картошка, икки гектар сабзи, беш гектар майдонда лавлага парвариш қилинмоқда. Ўн беш гектар майдондан 31 центнердан арпа йиғиштириб олинди. Ишнинг кўзини билган ижарачилар арпанинг ўрнига силос учун макка-жўхори экиб, биринчи ишловдан чиқариб қўйишди. Картошка пайкаллари эса учинчи сув таралаяпти.

— Далаларга икки хил картошка уруғи эканмиз, — дейди М. Назаров. — Польшаникини бултур уруғликка қолдириб яхши қилган эканмиз. Бир текис униб чиқди, ривож ҳам яхши, бемалол 15-18 тоннадан ҳосил олса бўлади. Аммо Белгиядан келтирилгани ола чиқди. Синалмаганининг сиртидан ўтма, деб шунга айтишса керак-да.

Картошкага эҳтиёжнинг юқорилиги ҳеч кимга сир эмас. Уни четдан келтирмай ўзимизда керагича етиштиришнинг имкони етарли, албатта. Бироқ афсуски, беш-олти йилдан бери картошкаторлар колорадо кўнғизи билан олишади. Хўшёрликни сал йўқотсанг бас, ҳашарот экинни бирпаства ёқ бўлади. Бригадада колорада кўнғизига қарши яхши тажриба тўпланган. Икки марта техника, бир марта қўл кучи

билан кимёвий дорилар сепилиб, кўнғизлар йўқ қилинди. Аммо бунинг учун анча маблағ, меҳнат кетди. На-чора, мўл ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди.

МАВЛУДА ОПАНИНГ ДАЛАЛАРИ

Одатда қирқни қоралаган аёллар бир этак бола билан ё уйда ўтириб тирикчилигини қилади ё кунига уч-тўрт соат вақт талаб қиладиган касбнинг этагини тутди. Айримларнинг наздида серғалва, югур-югури кўп бригадирлик эса... Мавлуда Серкабоева ҳар ҳолда ана шу касбнинг этагини тутган.

Мавлуда опа кўп йиллардан бери ҳўжаликда деҳқончилик қилиб келади. Эрта баҳорда даланинг бошида туриб, ерини ҳайдашиб, экинни экади, ёзда парваришни бир зум бўшаштирмай, маҳсулотни териб, харидор излайди, кузда ижарачиларнинг ҳақи учун яна югуради. «Аёл бошинг билан сенга нима» дегувчилар эса топилиб турибди.

— Уйдаям ўтириб қўрдим, — дейди бригадир кулимсираб. — Бўлмади. Далага ўрганиб қолган эканман. Аслида деҳқончиликнинг нимаси ёмон. Тоза ҳаво, эмин-эркин, яйраб ишлаганга не етсин. Шукур, замон тинч, меҳнатнинг ерда қолмайди.

Мавлуда опанинг биргадаси бу йил ҳўжаликка шартнома асосида 110 тонна памидор, 44 тонна кечки қарам, 900 тонна силос ва бошқа маҳсулот топширишга аҳд қилган. Режадан ортиқчасига устама ҳақ, мукофот пули нақд. Фақат ишлаш, ишлаганда ҳам ҳалол ва тер тўкиб ишлаш керак. Деҳқончилик илми ҳам бунда жуда асосида. Ҳўжалик маъмурияти техникадан, ўғит, кимёвий воситалардан баҳоли қудрат ёр-

дам бериб турибди.

Далага шийон тикиб эрталабки ва кечки салқинда кетмон чопишнинг, кечалари сув тарашнинг гаши ўзгача... Аҳмадjon Мамажонов ўз трактори билан бригаданинг барча юмушини бажаради. Олимжон Парпиев, Нажим Носиров, Аширгул Худоёрова, Мухсин Умрзоқов...

— Темирйўлда юк ташини тарифларининг камайтирилгани зап иш бўлди-да, — дейди бригадир мамнуният билан. — Яшириб нима қилдим. Гоҳо маҳсулотга харидор тополмай сарсон бўлардик. Энди яна Россиядан харидорлар келса нобудгарчиликнинг олди бутунлай олинадиган бўлибди.

НЕЪМАТ АКАНИКИ-ЧИ...

Неъмат ака Ҳамроқулов бошлиқ ижарачилар ҳам эл дастурхонини дала ноз-неъматлари билан тўкин қилишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Сабаби, ҳўжаликдан кунда амалдор келиб, ундай қил-бундай қил деб буйруқ бермайди, ҳосил пишганда тайёрга айёрлик йўлини тутмайди. У замонлар аллақачон ўтиб кетган. Аксинча, мана сизга ер, техника, уруғлик, ўғит... Шартномага мувофиқ шунча маҳсулот топширасиз. Ортиқча етиштирсангиз ўзингизники, ёз бўйи аванс тариқасида маош бериб тураимиз... Деҳқонга бошқа нима керак?

Гапнинг сирасини айтганда, кўпдан бери деҳқон ана шунга ортиқча қилиб келарди. Не бахтки, бу орзу ушалди.

Албатта иш ҳамиша силлиқ кечаётгани йўқ. Зеро, деҳқончилик фақат соя-салқинда кўк чойни хўплаб мусиқа тинглаб ётадиган иш эмас. Унинг машаққати, баъзи муаммолари бор.

Асосий муаммо нима? Сув. Бригада далалари насос орқали суғорилади. Насос эса тез-тез панд бермоқда. Ўғит ҳам бироз тақчил. Ижарачилар ҳаражати камайтириш мақсадида маҳаллий ўғитдан кўпроқ фойдалана бошладилар. Бироқ маҳаллий ўғит ҳам бугун фалон пул. Турғун Раҳмонов, Икром Ёқубов, Фуломтохир Эрназаров... Бригададаги бу ижарачилар ҳаражати камайтирган ҳолда кўп маҳсулот етиштиришда яхши тажриба тўплаган. Далаларда эса ҳосил мўл. Бу эса эл дастурхони тўкин бўлиши, деҳқонлар чўнтаги пулга тўлишидан далолат беради.

Н. ДУШАЕВ.



Ватан, қучоғингда балқди тафаккур,
Элни, дилни поклагай шу муқаддас нур.

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

«Тошкент ҳақиқати»нинг маънавият ва маърифатга бағишланган
● махсус саҳифаси ●

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.

...Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади.

Ислон **КАРИМОВ**.

ИЖОБАТ БЎЛГАЙ!


Маънавият, маърифат, мафкура, маданият, илму-урфон... Бу калималар ҳар бирининг замирида буюк маъно ва мазмун ётади.

Зеро, бу тушунчаларга зор бўлмаган замон бўлмаган, бу тамойилларни улуғламаган улуслар бўлмаган, бу шиорларни иймон қадар эъозламаган ватан бўлмаган. Мазкур фалсафий ақидаларга амал қилган халқ давлатининг нуфузи, обрўси, эътиқоди, шон-шарафи ҳамиша-ҳамрўз сарбаланд, деб эътироф этилган. Кўҳна тарих — бунга гувоҳ.

Ана шундай буюк ҳақиқатни чуқур англаган юртбошимиз ўзбек халқининг маънавиятини, маърифатини, маданиятини гоят баланд юксакликларга кўтариш, илмфан равнақига янгича парвоз баҳшида этиш мақсадида яна бир саҳоватли ва савобли ишга қўл урдилар.

Шу боис салоҳияти манзур халқимиз навбатдаги ташаббусни бажонидил қўллаб-қувватлади. Чунки бу саъй-ҳаракатлар бўлажак авлодларимиз — болаларимиз, набираларимиз, чевараларимизнинг ёрқин истиқболига, давлатимизнинг ашраф буюклигига қаратилгандир. Бу йўлдаги пок ниятларимиз ҳам, иншоллоҳ, ижобат бўлғай.

Ғуломқодир **УМАРОВ**,
90 ёшли уруш ва
меҳнат фахрийси.
Бўстонлиқ тумани.



БАЙРАМ ВА МАСЪУЛИЯТ

КЕЙИНГИ ҳафта ичида ишхонамиз ҳар қачонгидан ҳам гавжумлашиб, ниҳоятда файз кириб қолди. Олимлар, ўқитувчилар, фан ва маданият кишилари, турли соҳалардан маъруза қилувчи воизларнинг қадамлари бу ердан узилмайди. Телефон кўнғироклари бир дам тинмайди. Ҳамма бир-бирини байрам билан қизгин, хушчақчақ табриқлайди. Истиклол байрамининг ўтганига эса... ярим ойча бўлиб қолди.

Хўш буниси қанақа байрам? Бу — маънавият байрами, бу — маърифат байрами! Бу қадим маънавиятимизнинг навқирон байрами! Президентимиз Ислон Каримовнинг шу йил 4 сентябрь куни Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази раҳбарияти ва бошқарув аъзолари билан бўлган учрашуви ҳамда Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида чиқарган фармони чинакамига

байрамга айланиб кетди.

Аввало, бу учрашувнинг Олий Мажлиснинг олтинчи сессияси ва Мустақиллик байрамининг беш йиллиги тантаналаридан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас чиқарилиши беҳикмат эмас. Учрашувда истиклол байрамининг бутун мамлакат бўйлаб катта тантана қилингани алоҳида қайд этилди. Пойтахтимиздаги мустақиллик майдонида 100 минг киши, бутун мамлакат бўйлаб 5 миллион киши кўчаларга чиқиб байрам қилди. Бу байрамдан алоҳида хулосалар ясалди.

Бунини Президентимиз шундай шарҳлаб берди:

Биринчи хулоса: Бу байрам ҳақиқий, ўзбекона миллий байрамга айлан-

ди. Шу билан бирга республикаимизда яшовчи барча миллат ва халқларнинг, хорижий меҳмонларнинг чинакам шодиенасига айланди.

Иккинчидан: Бу байрам халқимизда эртанги куннинг янада ёруғ ва порлоқ бўлишига ишонч уйғотди. Беш йил давомида иқтисодийта саноат ва қурилишда эришган ютуқларимиз кўз-кўз қилинди.

Учинчи хулоса: Халқимизда, ўз юртим, ўз элим, «Ўзбекистон — Ватаниманим» деган бир юксак тушунча, фахр ва ғурур туйғулари пайдо бўлди.

ва ниҳоят тўртинчидан: Энг асо-

(Давоми 4-бетда).

Юксак маънавият ва олий маърифатга ихлос қўйган халқнинг келажаги буюк, Ватани обод бўлғай!

БАЙРАМ ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 3-бетда)...

сийси мамлакатимизда яшаётган барча миллатлар тинчлик, осойишталик, барқарорлик маънавий ва иқтисодий юксалишининг асосий омилли эканлиги қайта-қайта таъкидланди.

Президент ана шу хулосалардан келиб чиқиб, улуғ бобокалонимиз Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги тантаналарига кўрилатган тайёргарлик ҳақида гапирдилар. Бу улуғ сананинг бутун жаҳон миқёсида нишонланиши маънавийтимиз тарихида алоҳида ўрни борлигини, бу байрамни сиёсат даражасига кўтаришимиз кераклигини таъкидладилар. Юртимизда Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, аз-Замхшарий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Файзулла Хўжаевдек ўнлаб зотларнинг муборак номлари замоналар чангидан тозаланиб, уларнинг хурматлари жойига қўйилди. Уларнинг пок руҳлари шод этилди. Шўро даврида унутилган қадриятларимиз, номи қораланган бобокалонларимизнинг олтин мерослари қадрланди. Натижада маънавият булоқларининг янгидан-янги кўзлари очилди. Бу буюк истиқлол шарофатидир. Халқимиз ана шу ҳаётбахш булоқларнинг сувидан баҳраманд бўлмоқда.

Бир пайтлар буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари «Куч — адолатда» деган ўта демократик шиор ташлаган эдилар.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юртбошимиз маънавиятни, миллий мафқурани аниқ белгилаб олишимиз ва шу йўл билан изчил ҳаракат қилишимизни алоҳида уқтирган эди. Уша йиллари қатъий ишонч билан «Ўзбекистон — келажак буюк давлат бўлади» деган даъваткор сўзлар янгради. Бунинг учун мамлакатимизнинг барча фуқаролари қадим

маънавиятимиз ботинидаги «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган эзгуликлар сари отлангиларди. Шу юртининг ҳар бир фуқароси, ҳар бир ватандошимиз «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш»га чорланди.

Мана энди иқтисодий соҳада қатор ютуқларга эришилди. Бизни иқтисодий жиҳатдан бутун дунё тан олди. Учрашувда юртбошимиз маънавиятни килолаб, метрлаб ўлчаб бўлмадлиги, бу соҳани бир зум ҳам унутиб бўлмадлигини алоҳида таъкидлаб; «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ!» дедилар. Учрашувда кишиларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва шу билан маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилли эканлиги алоҳида қайд этилди, ҳамда маънавият соҳасидаги мамлакат сиёсати белгилаб берилди. Ана шу йўлда учрайдиган лоқайдликлар, эскича, шўро замонасидан қолган коммунистик мафқура сарқитларидан айрим катта-кичик раҳбарларнинг ҳамон қутула олмаётганликлари танқид қилинди.

Шу билан бирга маънавият ходимлари ҳар бир хонадонга, ҳар бир фуқаро қалбига кириб боришнинг янги-янги шакллари ҳақида бош қотиришлари керак. Меҳнаткашларни, биринчи навбатда, ёшларимизни ўтмиши улуғ, келажак буюк халқимизнинг бой маданий мероси, қадим меъморий ёдгорликлари, маърифий масканлари, асрлар гувоҳи бўлган муқаддас шаҳарларимиз ҳамда истиқлол даврида бунёд этилган буюк иншоотлар билан яқиндан таништириш йўллари йўлашимиз лозим.

Бир пайтлар «ҳамма нарса инсон

учун, инсоннинг бахти-саодати учун» деган даъваткор сўзлар бўларди. Бу коммунистик мафқуранинг кўпгина шиорлари сингари ёлғон эди. Аслида одам давлат учун хизмат қиларди. Яна шу давлатнинг ёнида «бир, киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун», «ишламаган тишламайди», «меҳнат минимини баҳармайди» деган шиорлар ҳам қадимда учурарди. Одамлар давлат манфаатлари учун жонларини жабборга бериб меҳнат қилишарди. Ҳолбуки давлат инсон манфаатига хизмат қилиши лозим эди.

Муниса қизларимиз тоғ қишлоқларида туғилиб, ўша ерда вояга етиб, бола-чақа қилиб, ҳаётдан ўтиб кетардилар. Улар, ҳатто, ўз вилоятлари марказини ҳам кўрмай қолардилар. Уларнинг маънавияти билан эндиликда шуғулланадиган пайт келди.

Ҳозир Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Қорақалпоғистон республикаси, вилоят ва туман марказларида зудлик билан соҳалар бўйича тарғибот гуруҳларини тузишимиз ва истиқлол маънавияти тарғиботи билан шуғулланшимиз керак.

«Юксак маънавиятсиз келажак йўқ!» Кун кеча қабул қилинган Президентимиз Фармони буюк келажакимиз маънавиятининг юксак йўллари белгилаб берди.

Шу кунларда истиқлол даври маънавиятининг назарий асосларини ишлаб чиқиш учун бир неча муаллифлар гуруҳи иш олиб бормоқда.

Президентимиз билан маънавият ходимларининг учрашуви ва бу соҳада қабул қилинган тарихий ҳужжат истиқлол мафқураси ходимларининг байрамга айланди, дедик. Бу нафақат байрам, нафақат қувончли воқеа. Балки, бу байрам замирида ниҳоятда улкан ва масъулиятли юк ҳам бордир.

Неъмат АМИНОВ, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ректори.

ИСТАРДИМКИ...

БИЗ ўқитувчилар узок вақт ўқувчиларда Ватанга муҳаббат ҳисларини шакллантириб боришда «Россия», «Кремль юлдузи» каби шеърлардан фойдаландик. Ватан деганда олис Москвани тушуниб катта бўлдик.

Энг ачинарлиси, бой маданий меросимиз — Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд қабилари ижодини кўп асрлар мобайнида урганмай келдик. Заҳириддин Бобур, Шайбонийхон, Хусайний, Амирий, Феруз каби дунё тахтини тебратиб, шеърят бўстони турфа ғазаллари билан беэзаган, шох ва шоирлик салоҳиятига эга ноёб калам соҳиблари ижодидан кўз юмиб ўтдик. Натижада, шарқона одоб ва ахлоқ, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, миллий урф-одатларимизга муҳаббат йўқола бошлади. Хайриятки, истиқлол ва мустақиллик туйғули йўқолаётган қадриятларимиз тикланди. Айниқса, Ўзбекистон тарихи, ўзбек адабиёти каби фанлар бўйича янги дастурлар ва дарсликлар яратилгани нур устига аъло нур бўлди. Энди мустақил Ўзбекистоннинг ҳур ва озод фарзандлари, келажакимиз эгалари баралла шундай қўламоқдалар:

Серқуёш хур ўлкам, элга бахт, нажот, Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.

Яшнагай тоабд илму фан

ижод, Шухратинг порласин токи бор жаҳон.

Ҳақиқатан, илму фан, ижод мангу гуллаб яшнашдан дарак берувчи эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Иқтидорли ўқувчи ва талаба ёшлар учун «Улғубек» номидаги мукофот, «Камолот» ёшлар жамоғарсининг таъсис этилиши, «Истеъдод байрамлари»нинг ўтказилиши, республикамизда турли йўналишдаги махсус гимназия ва лицей мактабларининг ташкил этилиши фикримизнинг далилидир.

Айниқса, сўнгги вақтларда ўқитувчи оёғи, унинг кадр-қиймати тиклаш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар кун» деб эълон қилинган ва дам олиш кунини ҳисобланиши ҳам юзлаб касб эгалари орасида устознинг ўрни, оёғи юксак эканига ишорадир. Албатта, фидойи устозлар Президентимизнинг бу эҳтиромига муносиб жавоб берадилар, деб ўйлайман.

Ўқувчиларда маънавиятни шакллантириб, аввало, туғилиб ўсган жойига, таълим олаётган мактабига, бир ҳаводан нафас олаётган дўстларига, минг йиллардан бери қадрини йўқотмай келатган ўтмиш меросимизга муҳаббат уйғота оласан, ўз вазирамизни баҳарган бўлардик. Истардимки:

Инсон қадрин оширмас на олтин, на зар, Бойликка интилиб бўлманг паст назар.

Боболар тарихин унутмай

зинҳор, Ўтмиш асримизга ташланг бир назар.

МАҲМУДА ЗОИРХОН

қизи,

Олий тоифали муаллима,

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР...

- ИНСОН ҳаммадан аввал ўз юртининг фарзандидир.
● ВАТАНДАН ташқарида бахт йўқ.
● ҲАР КИМНИНГ ҳаёти Ватанга тегишлидир.
● ВАТАН — ҳар ким нафас олаётган ҳаводир. Усиз инсон яшамайди.
● КИШИНИНГ хусни гўзал ахлоқдир.
● АҚЛИЙ ҳаловат — ахлоқий фазилатдандир.
● ЖАМИКИ гўзал нарсалар — офтобдан, барча нодир фазилатлар — маънавиятдан.
● МАЪНАВИЙ камолотнинг чегараси бўлмайди.



Сирғали туманидаги 104-мактаб жамоаси соҳибқирон Амир Темур юбилейига эл қатори катта тараддуд кўрпшти. Суратда: мактаб раҳбари Абдунаби Орипов мураббийлар билан ўқувчилар тайёрлаган деворий газета ва расмларни кўздан кечиришмоқда.

Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ.

ОРАДАН НЕЧА ЗАМОНЛАР ЎТИБ

Мозий сабоқлари

МАРКАЗИЙ ОСИЁ халқлари, жумладан, ўзбек халқи жаҳон тарихига, инсоният маданиятига буюк ҳисса қўшган, бебаҳо ёдгорликлар яратган улуғ халқдир. Бобокалонимиз, йирик давлат арбоби, қонушунос, истеъдодли меъмор, ўз юртини севган ва уни жаҳонга машхур қилган Амир Темур шундай ёзади:

Бизким, мулки Турон, амيري Туркистонимиз, Бизким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи — Туркинг бош бўғинимиз.

Ҳа, ҳар қандай халқ, энг аввало, халқ сифатида ўз хотираси билан тирок. Узининг тарихий хотирасидан жудо бўлган халқ эса бора-бора ўзлигини йўқотади, пировардида оддий аҳоли тўдасига айланиб, парчаланиб йўқ бўлиб кетади. Тарихий хотира туйғули ҳар бир халқ ўз меросини, тарихини, маданий-маънавий қадриятларини эъзозлаб асрайди ва қадрлайди. Бу эса ўз навбатида келгуси авлодлар олдидаги жавобгарлик ҳамдир.

лашкарбоши сифатида, балки ислом динининг ёвуҳисини, шарият ҳимоячиси, маънавият ва маърифат тарғиботчиси сифатида ҳам машхур бўлди.

Шуниси қизиқки, соҳибқирон Амир Темур ва пайгамбаримиз Мухаммад саллолоҳи алайҳиссалом ҳаёт йўллари орасида кўп ўхшашликлар мавжуд бўлган. Масалан, иккаловлари ҳам чўпонлик қилишган, биринчи жангарида 300 га яқин лашкар билан кўп сонли душманга қарши курашиб, ғалаба қозонишган. Азооб-уқубатлар чекиб, марказлашган давлат барпо этишган.

Мен мана шу тарихий воқеалар илдизини кўп ўйлайман. Арзимаган уч юз бош лашкар билан ниҳоятда катта қисмли душманни махв этиш қудратини улар қаердан олишганини? Тарих саҳифаларини, илмий манбаларни титқилай-титқилай бунга жавоб ҳам топаман: Бобомиз Темурда ўз юрти учун фидойилик,

жасорат, ватан тупроғига юксак меҳр-муҳаббат ниҳоятда кучли бўлган, бошқаларни ҳам шунга даъват этган ва илк пойдеворини қўйган чин мустақилликда муҳим шиорга айланган. Ва худди шу жойда, Амир Темурнинг нима учун кишиларни билим олишга, маърифатли бўлишга эътибор бериб даъват этганлиги, қадамида етган жойда кутубхоналар, масжид ва мадрасалар қурдирганлиги аёнлашади.

Буни қарангки, орадан неча замоналар ўтиб, боболаримиз орзу қилган ва илк пойдеворини қўйган чин мустақиллик кунларига бизнинг авлодларимиз эришди. Бизнинг ҳали жуда ёш, аммо қадамлари тетик Ўзбекистонимизда бошқа соҳалар қатори маънавият ва маърифатга кенг йўл очилаётгани, тарихга муносабатининг янгиланаётгани ниҳоятда қувонардир. Бу борада қилинаётган кўпгина ишлар менга бобомиз Амир Темур фаолиятининг узвий давоми-

дек туюлади. Дарҳақиқат, юксак фазилатли, иймон-этиқодли, Ватанга меҳр-муҳаббатли кишиларгина бу муқаддас юртининг мустақиллигини сақлай оладилар ва мустақамлайдилар. Аслида ҳар қандай жасорат ҳам аввало ана шу эл-юртга муҳаббатдан шаклланади.

Биз мустақиллик йўлида дастлабки хайрли қадамларни ташладик. Иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий ҳаётимиздаги янгича ўзгаришлар эса эртанги кунга ишонч билан боқишга, бу йўлда янада қатъийроқ ва самаралироқ ҳаракат қилишга ундамоқда. Албатта, эркинлик ва хурликда яшашни истоган ҳар бир киши мустақиллик йўлидаги тўсиқларни, камчилик ва қийинчиликларни ҳамжиҳатлик билан енгиб ўтишга тайёр турмоғи лозим. Бизда эса бундай куч бор. У — авлодлардан авлодларга ўтиб келатган, мустақил давлатимизнинг буюк келажак йўлини машалдек ёритиб турган ТАФАККУР нуридир!

Ҳайдар ЮНУСОВ, Тошкент давлат Аграр университетининг фалсафа кафедраси ассистенти.

Инсоният боғининг энг гўзал дарахти — маърифатдир, одамийлик хазинасининг энг бебаҳо гавҳари — маънавиятдир.

ТАРБИЯ... ТУҒИЛГАН КУНДАН

ШУНДАЙ ҳикоят бор. Қадимда бир йигит тўнғич фарзанд кўрганидан сўнг икки йилдан кейин келиб, бир машоихдан бола тарбиятини қандай бошламоқ зарурлиги тўғрисида маслаҳат сўрабди. Шунда мезбон болангиз неча ёшга тўлди, дедилар. Икки ёшга, дебди меҳмон. Э, аттани, икки йилга кечикибсиз, деган экан доно отахон.

Бу нақлиёт замирида жиндай муболага бўлса ҳам, лекин, катта ҳақиқат ётади. Инсон таваллуд топган онданоқ оламни билишга, ўзини эркалатаётган ота-онасини севишга, атрофига боқиб гўзал бориқни англашга ҳаракат қилади.

Одамзот туғилади, ўсади, балогага етади. Ана, энди у ахлоқ-одобнинг, илм ўрганиш ва яшашнинг, ҳалол меҳнат қилмоқ ва ризқ-рўз топмоқликнинг мактабини ўтамоғи лозим бўлади. Мутафаккир шоир Абу Абдулло Рудакий кимда ким ҳаётдан олмас таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим, деб жуда тўғри айтганлар.

Ҳар бир миллатнинг ўзига яраша одоб-ахлоқ мажмуалари бўлади. Уларни тўлиқ эгаллаган инсонгина баркамол ҳисобланади. Шу маънода бизнинг ислом динимиз ҳаётнинг ҳар бир дақиқаси, соати, кунни, ойи, йили учун юриш-туриш қоидаларини аниқ-тиниқ белгилаб берган. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзгага яхшилиқни раво кўриш, ҳасаддан фориғлик, Ватанга садоқат, ширинзабонлик сингари нодир фазилатлар соҳибигина чин инсон номига муносибдир. Ёмонлик, ички-

лик, гиёҳвандлик иллатларига яқинлашмаслик яхши йўлнинг ибтидо-сидир. Бу йўлда инсонга илм раҳнамолик қилади. У лаззатли ҳаётга, ҳалол меҳнатга ўргатади. Шу сабабдан ҳам пайғамбаримиз бир ҳадисларида «Бешикдан қабргача илм изла» деб хитоб қилганлар.

Жамият, давлат мафқураси нодир одоблардан, соф маънавиятдан таркиб топади. Бу ҳақиқатни чуқур англаган юртбошимиз Ислоҳ Каримов қатор нутқларида миллат маънавиятини, халқ қадриятларини улуғлаш, улардан истиқболдаги мақсадларимиз учун фойдаланиш, мамлакат мафқурасини қарор топтириш мавзуларида жуда кўп марта алоҳида безовталаниб гапирганлигининг гувоҳимиз. Яқинда ойнаи жаҳон орқали кўрдик. Президентимиз маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази фаоллари билан қилган мулоқотларида ҳам шундай тўғри гапларни айтдики, эшитиб тасаннолар ўқидик. Эртасига мазкур марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида фармон чиқарганликларини нур устига нур бўлди.

Ўзбек халқи маънавиятини юксалтириш, маърифат тамойилларини қарор топтиришда бизнинг масжидларимиз ҳам алоҳида ўрин тутиши лозим, деб ҳисоблайман. Чунки, бу муқаддас даргоҳларга асосан ёшлари улуғ, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотибган кекса одамлар келади. Улар оилалардаги фарзандларни тарбиялашда, маҳаллалардаги яхши ишларимизни кўпайтиришда алоҳида сабъ-ҳаракатлар кўрсатадилар, деган умиддаман. Зеро, Президентимиз айтганларидек, устивор мафқурасиз, буюк маънавиятсиз халқнинг ҳам, давлатнинг ҳам келажиги порлоқ бўлмайди. Айни кунларда савобли, келажиги хайрли йўл устида туришимиз. Иншооллох, бу галги ниятларимиз ҳам юртбошимиз раҳнамолигида мустажиб бўлғай!...

Тўрабек ҲОЖИМАТОВ,
Паргос кишлоғидаги жомеъ-масжид имом-хатиби.

Ҳикоят

ГўДАК БОЛАНИ ДЕБ АМАЛДАН АЙРИЛГАН ОДАМ

МЎМИНЛАРНИНГ Ҳалифаси ҳазрат Умар бир жойга янги ҳоким тайинлади. Ушад одам ҳокимлик шаҳодатини олмақ учун Ҳазрат Умарнинг ҳузурига келди. Валиликка номзод одам Ҳалифанинг кўлидан ўз ҳужжатини қабул қилиб олаётган бир вақтда кичкина болакай кириб келиб, Ҳалифанинг кучоғига бориб ўтирди. Ҳазрат Умар ҳам болани хуш кутиб олиб, юзидан ўпди.

Боланинг Ҳалифа яқинларига алоқаси йўқлигини билган ҳокимликка номзод, ўз ақлига кўра ҳовлиқиб:

— Ё Амрал мўминин! Сиз болаларни севиб ўпасизми? Менинг роса тўқизта фарзандим бор, уларнинг ҳеч бирини шу кунга қадар кучоғимга олиб эркалатмаганман, — деди.

Буни эшитган ҳазрат Умар: — Қани, валилик ҳужжатиңни яна бир кўрай, — деди у ва ундан варақани олиб йиртиб ташлади.

— Сени валилик (ҳокимлик)дан четлатдим! Кимки ўз авлодига марҳамат этмаса, ҳеч қачон халқига ҳам марҳамат қилмас, — деди ва ул кишини ҳузурдан қувиб чиқарди.

«Турон» кутубхонасига келган ҳар бир янги китоб ва қўлланмалар аввало кутубхона ходимларининг ана шундай қизгин муҳокама-сидан сўнг жавонлардан жой олади ва китобхоналарга тавсия этилади.

Суратда: (чапдан ўнгга) кутубхона ходимларидан Дилбар Насриддинова, Зироат Исломова, Идия Бадалова, Нора Ҳамидовалар. Даврон АҲМАД олган сурат.

БИЛИМЛАР САРЧАШМАСИ

Болаликдан китобни севган киши бир умр унга ошно бўлади. Китоб билим беради, инсонни тарбиялайди. XIX аср шоираси Дилшод Барно китобни маърифлаб кўйидаги мисраларни битганида, нечоғлиқ ҳақ эди: «Менга илм ўргатувчи устоз билимдондир китоб, дил губорини аритгувчи ғамхору жонондур китоб...»

Китоб дейилганда, энг масканлари бўлган кутубхона, қироатхоналар кўз олдимизга келади. «Тарбия-олтину зарга топилмас», деган халқ мақолини эслаганимизда эса юксак маънавиятимиз ва қадриятларимиз хазинаси — кутубхоналар ҳақида сўзлагинг келади.

Қарийб 25 йилдирки, кутубхона соҳасида хизмат қилиб келмоқдаман. Мени қийнайдиган, ўй-мушоҳада юритишга ундайдиган муаммолар ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган ташвишлар эмас, албатта.

Мени уйлантираётган, лол қолдираётган нарсалар китобхоналаримиз сонининг камайиб кетаётганлигидир. Мен буни вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги юзлаб кутубхоналаримиз фаолиятдан келиб чиқиб айтгаймман. Хўш, биз нега ўқувчиларимизни, китобхоналаримизни йўқотиб боряпмиз?

Бундай олиб қаралса, кутубхоналаримизда кўплай ижодкорлар билан учрашувлар, адабий анжуманлар, кў-

рик танловлар, кўйингки, кўп-лаб тадбирлар ўтказаяпмиз, бироқ, бу хайрли ишларнинг нафи камроқ бўляпти шекилли, ўқувчиларимизни ўзимизга-кутубхоналарга жалб эта олмаёпмиз.

Кузатишлар, тажрибалар шунини кўрсатяптики, назаримизда китобхоналарни жалб қилиш учун кутубхоналарда, аввало, янги ранг-баранг вақтли матбуот нашрлари етарли даражада эмас. Обуна бўлинган нашрлар ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. Кутубхоналарни янги, бадий ва илмий китоблар билан тўлдириб боришни гапирмасак ҳам бўлади.

Яна бир сабаб: кутубхоналарнинг кўпчилиги таъмирга муҳтож. Аксариятида китоб тоқчалари, оддий кутубхона учун зарур ашёлар етишмайди. Борлари ҳам эски, алмисоқдан қолган. Кутубхоналар ўз вақтида таъмирланмаслиги тўғрисида, хоналар ёзда иссиқ, қишда эса совуқ. Китобхона учун оддий шароитлар ҳам йўқ даражада. Демак, шундай бўлгач, китобхонани кутубхонадан қидириб топиб бўл-

майди.

Китобхоналарга маданий хизмат кўрсатиш савияси ҳам тушиб бормоқда. Маошнинг камлиги сабабли, кўплай ма-лакали мутахассислар бошқа ишларнинг этагини тутиб кетмоқдалар. Ходимлар етишмаслигидан айрим кутубхоналарда ҳафталаб қулфлар осилиб тургани айни ҳақиқат.

Энг ачинарлиси кўплай кутубхоналар ёпилиб қолмоқда. Баъзилари сотиб юборилиб, чойхона ва бошқа маиший манзилларга айлантирилмоқда.

Кунини кеча юртбошимиз имзо чеккан «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги фармон кўнгилларимизга таскин, келажакка умид бағишлайди.

Эндиликда кутубхоначиларга ва кутубхоналаримизга эътибор кучайишига ишонимиз. Биз бундан мамнунмиз. Шубҳасиз, кутубхоналаримиз нурхоналарга айланади, фойз-тароват касб этади, китобхоналаримиз кўпаяди. Бу — турган гап.

Вазира СОБИРОВА,
Вилоят «Турон» илмий-универсал кутубхонаси директори.



Акс-садо

«ЛАББАЙ» ДЕБ ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Юртбошимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан чиқарган Фармони — халқ бахт-саодатини, унинг нури келажигини пухта ўйлаганидан далолатдир. Бундай ғамхўрлик бизларни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга даъват этиши шак-шубҳасидир.

Республикамизда олиб борилаётган ишлар — халқимиз миллий онгининг юксалишига, тафаккур дунёсининг бойишига, қалбларда мустақиллик, эркинлик туйғусининг уйғонишига яқиндан ёрдам бераётганлиги ҳаммамизни қувонтирмоқда.

Жумладан, туманимизда ўтказилган кўплай тадбир, анжуман, учрашувлар халқимизда она-юртга бўлган чексиз муҳаббат, миллий қадриятларимиздан фахр ва ифтихор уйғотмоқда. Чунки, яқинда яқунланган «Ватан тақдиримизда» мавзусидаги ижодий танлов фикримизга мисолдир.

Танловда қаламкашлар энг яхши публицистик мақолалари, шеърлари билан қатнашдилар. Улар орасида туманимизда эл ҳурматига сазовор бўлган ёзувчилар, олимлар, журналистлар ва бошқа соҳа ижодкорларининг иштироки бу танлов нуфузини ошириб юборди.

Ҳа, муҳтарам Президентимизнинг «Халқнинг тарихий руҳи уйғонмоқда, маънавиятининг кўзи очилмоқда, шу тўғрисида одамлар қалбидан миллий ғурур, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда», деган гапларида жон бор!

Биз эса шундай эзгу ишларда шахсан юртбошимизнинг ғамхўрликларини юракдан ҳис этган ҳолда ишлаш бахтига муяссар бўлганимиздан чексиз миннатдоримиз.

Башорат САТТОРОВА,
«Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг Пискент тумани бўлими масъул котиби.

Акс-садо

МИННАТДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН

БИЗ — ЯНГИЙЎЛ шаҳар «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази бўлими ходимлари юртбошимизнинг бу соҳага жиддий эътибор билан қараётганликлари ҳамда яқинда чиқарган фармонларидан кўксимиз тоғ бўлиб кўтарилганини сўз билан ифодалашга ожизимиз.

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ўзлигини қайтадан танитиш борасида кўплай ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, шаҳар халқ демократик партияси кенгаши билан ҳамкорликда танқил давлат арбоби Файзулла Ҳўжаевнинг 100 йиллигига атаб ўтказган тадбиримиз халқимиз қалбидан ўзоқ вақт сақланиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Чунки, бу тадбирда халқимизнинг йирик жамоат ва давлат арбоби Нуриддин Муҳиддиновнинг иштирок этиб, Файзулла Ҳўжаев ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли қизиқарли, ўтли, жонли ҳикоялари, шунингдек, ешларни ахлоқли-одобли, ватанпарвар, мард ва фидойи бўлишига ундовчи ибратли ҳаётини кузатишлари йирилганларнинг юрак тубларига гача етиб борди. Уларни мустақил Ўзбекистон билан фахрланишга, унга муносиб фарзанд бўлишга ундади.

Шунингдек, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Темурий маликалар» номли илмий-бадий анжуман, энг намунали бўлган 10-мактабимиздан етишиб чиққан беш нафар фан докторлари, филолог олимлар билан ташкил этилган адабий учрашувлар ҳам халқимиз қайфиятини баланд кўтариб юборди. Уларни ажодларимиз аъёнларини давом эттиришдек муътабар ва эзгу ишларга руҳлантирди.

Булар эса бизга маънавият барчанинг энг муҳим иши эканлигини доимо эслатиб туриши билан бирга, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари тикланиб бораётганидан далолатдир. Биз эса бу йўлда барча куч-ғайратимизни аямаймиз.

Жамила ТўЛАГАНОВА,
«Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг Янгийўл шаҳри бўлими масъул котиби.

Пок маънавият — шундай хумо қушиқим, у инсонларни қуёш қадар улуғлайди.

Бу воқеага тўрт йилча бўлди. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги катта тантана билан нишонланаётган кезлар эди. Одамлар сайлгоҳлар, кўчалар, мустақиллик майдони, халқлар дўстлиги хиёбонларига ситмай кетадиган даражада кўп тўпланган. Ҳамма байрам шодиёналарининг олд қаторига ўтиш иштиёқида юртимизнинг бош майдонига ошиқмоқда. Лекин, у ерга ўтиш жойлари тўсиб қўйилган, фақат таклиф қоғозлари борларгина киритилмоқда. Қимларингидир дарров ҳафсаласи пир бўлди. Одамлар орасида ҳар-хил гала-гоеур гаплар қулоққа чалина бошлади: «Вой, не-не умидлар билан уйдан чиқувдима, эсиз, мустақилликни кўролмайдиган бўлибман-да?» — деса, яна аллақим «Ҳар сафаргидек бир четда томошабин бўлиб турсак турибмизда» — деб ўзича гинахонлик қиларди.

Шу пайт одамлар орасидан ёши бир ерга бориб қолган қадди-бас-ти келишган, чеҳрасидан қувонч нурлари порлаб турган бир отахон боғли қиз-йигитлар томон яқинлашдида, саломлашиб, узр, сўрадилар. «Болаларим, мен америкалик ватандошларингизнинг бириман, асл юртим, элим билан улуғ байрамни нишонлаш учун олис жойдан бу ерга қанот чиқариб, учиб келдим. Боя ораларингизда бўлиб ўтган айрим гап-сўзлар қўлоғимга чалинди. Менга бироз эриш туюлди. Шу боис атайин бетакаллуф ёнингизга келдим. Яна бир бор маъзур тутасиз, чирокларим, байрамни сиз катта майдондан, сайлгоҳдан ёки боғ-роғлардан ахтариб юрманг, у мана бу ерингизда (отахон юраги устига ниқтаб қўйдилар) сиз билан мудом нафас олсин, истиқлолни мустақамлаш учун курашсин. Мустақиллик осонлик билан кўлга киритилган эмас. Не бахтки, Парвардигори оламнинг марҳамати туфайли сизлар — мустақил Ўзбекистоннинг че-чаклари, келахаги, саодатманд фарзандлари толеига омад қулиб, мана шу мунаввар кунларга етказди. Бошингизга бахт қуши қўнди. Буни қадрлай билмоқ зарур! Эрки йўқ, тутхун одам қишланган қул кабилдур. Қуллик занжирлари узилган, озодлик нафаси уфуриб турган, миллий қадриятлар тикланиб, нурли истиқбол тонги отаётган уш-бу дамларни бир лаҳзага бўлсин унутишга ҳаққингиз йўқ! Ўзлигини таниган эл, қадди баланд, қадри юртим фарзандлари, ХУРЛИГИНГИЗНИ ҚАЛБИНИГИЗГА МУХРЛАНГ!!! Токи, ҳеч ким унга раҳна сололмайдиган бўлсин. Бу гапларни сиз-

ларга айтишимдан мақсад — «Ватаннинг қадрини — ватангадодан сўр» деганларидек — мустақиллик сизларга, бизларга муборак бўлсин! Дунё тургунча, абадул-абад қалбингиз мустақил фикрлаб, мустақил

ХУРЛИГИНГИ ҚАЛБИНИГИЗГА МУХРЛА!

одинласин! Байрамни юракдан ҳис этиш учун майдон танлаш шарт эмас, уни ўз хулқ-атворингиз, фазлу-карамингиз билан қадрлай билинг, мудом авайлаб асранг!

Отахон тўлқинланиб, куйиниб айтган бу фикрлар ҳаммамизни ҳаяжонга солди. Биз, билиб-билмаган ҳолда улуғ тантанани тор маънода тушуниб, ҳато қилганимизни англадик. Зеро, биз шу аснода байрамни юракдан ҳис этиш лозимлигини Ватан меҳрига зор бир инсондан сабоқ қилиб олган эдик. Чунки бепарволик, лоқайдлик яна оғиздаги ошани олдириб қўйишга олиб келиш ҳеч гап эмас. Бугун мен ёнмасам, сен ёнмасанг, ҳамма ёнмаса, қуруқ «Яша Ватан — хур Ватан», «Мустақил юрт» деган шiorлар билан иш битмайди. Ҳар ким ўз иқтидорига яраша бу йўлда хизмат қилиши, юртбошимиз бошлаб берган ойдин йўлдан истиқлол сари шаҳдам одим ташлаб, мустақилликни ҳимоя қилиши, мустақамлаши, унинг гуллаб яшнаши, равнақи учун элим деб, юртим деб ёниб яшамоғи керак.

Ўзбекининг не-не асл фарзандлари она-Ватанларини озод, мустақил кўришни, уни жаҳон афкор оммаси яна бир бор таниб қўйишни орзулаб, бу йўлда шахид кетдилар. Уларнинг хур фикрлари «чака-локлигида» маҳв этилди. Бу юрт ўз-лигини таниб қолишидан чўчиган муртадлар, манкуртлар жамиятини барпо этишдан манфаатдор эдилар. Бир асрдан зиёд вақт мобайнида оқ пошшосию, қизил пошшоси эрк-севар, меҳнатсевар, мағрур халқ вакилларини қўйлар подасидек қушхона сари етаклади. Не ажабки, мунаввар юртинг паймонаси тўлмаган экан. Озодлик руҳи, хурлик сурури халқни асрлар орзуси бўлган нурли истиқбол сари етакловчи йўлбошчиларни шу ёруғ кунларга авайлаб-асраб қўйган эканки, уларнинг

этиборли томони шундаки, ҳамиша энг долзарб муаммолар ана шу-нақа давраларда тугилади ва беихтиёр қиёслаш орқали ҳақиқат юзага чиқади. Гапнинг қисқаси, меҳмонлар биздаги олиб борилаётган улкан қурилишлар, каттаю-кичик корхоналар учун ҳар қадамда ма-лакали ишчи, мутахассис ходимлар кераклиги ҳақидаги эълонларга кўзлари тушганлигини мароқ билан гапирар экан, бизда на катта қурилишлару ва на бир бўш ишчи ўринлари бор... дея афсусланишди. Ушанда яшнаётган, чароғон юртим эришаётган ютуқлардан қалбимни аллақандай гурур, ифтихор ҳисси чулғаб олган эди.

«Ватанни севмоқ иймондандир» дейилади муборак ҳадиси-шарифда. Мана шу сўзлар замирида қанчалик улуғ ҳикмат ётганлигини фаҳмай биламизми? Шаҳсан мен 20-30 йилларда Ватанни тарк этиб кетган юртдошларни иймонли одамлар тоифаси сифатида қадрлайман. Улар бутун умр бўйи бизнинг юрт ҳам кўкрак кериб, мана мен Ўзбекистонман! — дея оламга жар солармикан, дея уззу кун нигоҳларини она-юртлари томон тикиб яшашди.

Улар алал-оқибат истиқлолимизни кўзда ёш, яратганга ҳамду-санолар айтиб, шукроналик билан кутиб олишди. Ёноқлардан сизиб оқаётган кўз ёшлари эндиликда аламли эмас, балки, қувонч ёшлари эди. Аммо, мустақилликни «биз билан кўш-қўллаб кутиб олган, амал деб, мартаба деб сайловчиларини юзига оёқ босиб, хорижга қочиб кетган «янги» ватангадоларни иймонли деса бўлармикан? Йўқ, асло! Улар иймони суст, мансабпараст, икки юзламачи кимсалардир. Бундайлардан наинки Ватан, балки, халқ ҳам хазар қилади.

Эл суймагани Ватан суюмайди, Ватанни севмаган халқини севолмас, дейди машоийхлар. Мустақил юртининг чин дилбанди, ҳақиқий ватанпарвари бўлишни истасак, нурли истиқбол сари қўйилган дастлабки кунлардаги қийинчиликлардан чўчимаемиз, аксинча, гайрат-шижоат билан хуригимизни қалбимизга муҳрлаб, уни мустақамлаш сари, Ватан шон-шарафи учун ёниб яшашимиз, ишлашимиз, хизмат қилишимиз зарур! Бу бизнинг муқаддас бурчимиз, иймонимиз, эътиқодимизга айланмоғи лозим.

Миржалол МИРАЛИЕВ.

АМИР ТЕМУР НИДОСИ

Бизким, Турон элида мулки жаҳон яратдик,
Авлодларга етулик сўнмас забон яратдик.

Туркининг зийрак кўзидан аксин топди Осиё,
Шу бир Ватан, шу Замин Сизга бўлсин тўтиё.

Оврупо ҳам дол қолди бизнинг голиб юришдан,
Сафимизга кирганлар ибрат олғай ҳар ишдан.

Яшасин деб шул диёр неки курсам дилмдан,
Яратгучи бахш этган илмдандир, илмдан.

Шамшир эмас жаҳонни қутқаради эзулик,
Бир иш қилинг Ватанга қудратингиз етулик.

Осмон агар йиқилса, ушлаб қолар диёнат,
Тўғрилликнинг ортидан пойлаб юрар ҳиёнат.

Ўзлигин поймал этгай кимки қолса гафлатда,
Ўз ерининг жонингдек азиз тутгин, албатта.

Бизнинг шior бузишмас, қуриш эрур билсангиз,
Адолат манзилга юриш эрур билсангиз.

Ёр ила Ватан меҳри бир бўлса нафасингда,
Ҳаниммас, фаришталар ўлтиради сафингда.

Оламга йўл бошладик, кутлуғ бўлғай йўлимиз,
Ғарчи қўлда қамару, Аллоҳдандир кўнглимиз.

Мустақил юртингизни кўриқланг яроғ билан,
Дўст бўлинг, қўлини тутса, яқину-йироғ билан.

Авлодлар, бўлинг хушёр, аждодлар нидоси бу!
Сизни деб талпинганим — Туркистон садоси бу!

Ашурали БОЙМУРОДОВ,
Бекобод.

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР...

• БЕОДОБДАН ўрган одобни,
Шунда жилавлайсан гирдобни.

• ОТА деган кулиб юрар,
Демаганлар куйиб юрар.

• ЎРНАК олган отадан,
Узоқ бўлар хатодан.

• Қобил ўғлон — фаросат,
Ноқобили — аросат.
• Оталар тилак билан,
Ўғлонлар билак билан.

• Фарзанд отага тик боқмас,
Юрағида кек оқмас.

• Доно фарзанд ўғит излайди,
Ахмоқ фарзанд ўғит сўзлайди.

• Оқил инсон юз мударриснинг ўрқини бо-сади.

• Ота-онангни ҳар кунни зиёрат қил, юз ҳаж савобини топасан.

Тўпловчи Абдурахим
УМАРБЕКОВ.



Дона бобо даврасида ахлоқ-одобга доир қадимий ҳикматлардан баҳраманд бўлиш, юксак қадриятларимиздан сабоқ олишдан ҳам ортиқроқ бахт борми? Ҳофиз Кўҳакий номли маҳалланинг 87 ёшли пиру-бадавлат оқсоқоли Туроб Ғоипов ҳар оқшом наби-раю-эваралари қалбига Ватанга меҳр, аждодлар васиятига со-диклик каби юксак туйғуларни муҳрлайди.

Сураткаш: Даврон АҲМАД.

БУ — БИЗНИНГ ТАРИХ, БУ — БИЗНИНГ ТАЪРИФ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛК ҚОМУС НАШРГА ТАЙЁРЛАНДИ

ШҮРОЛАР тузуми даврида Ўзбекистон ҳақида кўп китоблар ёзилган. Маълумотинома, қомуслар нашр этилган. Уларда бу мамлакат СССР деб аталмиш улкан давлатнинг таркибий қисмига «ўз ихтиёри» билан кириб, «гуллаб-яшнаган» юрт сифатида тавсифу таъриф этилган. Бу тавсифу таърифларнинг бари ҳукмрон ғоя — коммунистик мафкурага бўйсундирилган. Бу мафкура тўғрисида узоқ тарихимиз, бой қадриятларимиз, динимиз, тилимиз камситилган, сохталаштирилган.

Мана, бугун Ўзбекистон истиқлолга чиққанига — мустақилликка эришганига беш йил бўлди. Тарихан шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон улкан ўзгаришларга эришди: Ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ислохотлар амалга оширилиб, сиёсий тузумимиздан тортиб, иқтисодий тузумимизнинг туб устунлари, маънавийтимиз ҳамма устқурмалари қайта қурилди. Республикаимизнинг ҳамма шаҳарларида ва туманларида катта бунёдкорлик ишлари авж олиб, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бинобарин Ўзбекистон ҳақидаги илгариги китоблар маънавий эскирди. Ҳозирги Ўзбекистон тўғрисидаги батафсил маълумот берадиган нашрий маиба йўқ даражада. Ваҳоланки, юртимиз ҳақида мамлакат ичкарисиди ҳам, хорижда ҳам қизиқиш ниҳоятда катта. Шуларни эътиборга олиб, Қомуслар Бош таҳририяти «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ» энциклопедиясини нашрга тайёрлади.

Янги китобнинг яратилиши, мазмуни, мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беришни муҳбиримиз Соат МУСАЕВ Қомуснинг масъул муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Муроджон АМИНОВдан илтимос қилди.

— Энциклопедиянинг ҳамма мақолалари Ўзбекистонга бағишланган бўлиб, улар муайян мавзу бўйича жойлаштирилган. Китоб шартли равишда 16 бўлимга бўлинади. Унинг дастлабки бўлимларида Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни, маъмурий-ҳудудий бўлиниши, табиати, аҳолиси ёритилди.

Сўнгра Ўзбекистоннинг тарихи берилди. Бизнинг тарихимиз шўролар давридаги адабиётларда бир томонлама ёритилиб келинганлиги учун бу даврга кенгрок тўхталди. Ўзбекистоннинг ўтмиши билан танишган китобхон Ватанимиз нақадар кўҳна тарих ва маданиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Китобда Ўзбекистон иқтисодийотиға ҳамма кўлами жиҳатидан катта ўрин ажратилган. Бу, табиий ҳолдир. Чунки, Ўзбекистон иқтисодийотиға босқичма-босқич туб ислохотлар ўтказилляпти. Мамлакатимиз Президенти мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ маънавиятга катта аҳамият берди. Юксақ маънавият келажак пойдевори эканлигини мунтазам таъкидлаб келди. Зотан, маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, миллий камолот йўли ана шу. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказиш маънавиятдаги бош вазифа сифатида кўйилган. Бу борада Ўзбекистонда эришилган ютуқлар «Соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт, туризм», «Таълим тизими», «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари» ва бошқа бўлимларда ёритилган. Китобнинг алоҳида «Дин қадриятлари, одатлар, миллий кийимлар» деб аталган бўлимлари бор. Шунингдек ўзбек тили ва ёзуви, ўзбек адабиёти, фани, Ўзбекистон меъморчилиги ва санъати масалаларига алоҳида тўхталган. Китоб сўнгида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳақида махсус мақолалар берилиб, энг зарур маълумотлар келтирилади.

— Янги қомус қандай безатилди, унинг ўқувчиларни жалб қиладиган жиҳатлари қандай?

— Китобни тайёрлашда безатчи рассомлар, суратчилар катта изланишлар олиб бордилар. Энциклопедия ичида тегишли мақолаларга монанд 500 га яқин рангли ва оқ-қора сурат, харита ва бошқа безаклар берилганлигининг ўзи шуни кўрсатиб турипти. Унда жа-

ҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган туркистонлик сиймоларнинг, мамлакат тарихида из қолдирган машҳур кишиларнинг алоҳида суратлари ва уларнинг таржиманхолига доир муҳим маълумотлар келтирилди.


— Китоб ижодкорлари билан қисқача таништирсангиз?

— Шуни айтиш керакки, мазкур қомуснинг яратилиши республикаимизнинг жуда катта ижодий кучлари жалб қилинди. Энциклопедияни яратишда тегишли фан соҳаси олимлари, мутахассислар, деярли барча вазирилик ҳамда қўмиталарнинг раҳбарлари иштирок этди. Кези келганда янги энциклопедиянинг таҳрир ҳайъати аъзолари билан таништириб ўтиш мумкин. Булар Тўрабек Долимов, Тўхтамурод Жўраев, Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Нурислоом Тўхлиев (бош муҳаррир), Оқил Салимов, Пўлат Ҳабибуллаев, Музаффар Хайруллаев, Даврон Шораҳмедов (бош муҳаррир ўринбосари), Рустам Шоғуломов, Тўхтасин Ғофурбековлардир.

«Ўзбекистон Республикаси» энциклопедияси Ватанимиз билан қизиқувчи кенг китобхонлардан ташқари тадқиқотчилар, айниқса, талаба ва ўқувчилар учун ҳам аҳамиятлидир. Ўз юрти тарихи, маданияти, фани, иқтисодийотиға ва бошқа тармоқларидаги ҳолат билан қизиқувчи ҳар бир китобхон тегишли маълумотларни ушбу қомус саҳифасидан топа олади.

Қуйида янги Қомуснинг айрим мақолалари билан танишасиз.

Тошкент вилояти



Республиканинг шимолий-шарқиди. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Майдони (Тошкент шаҳри майдонисиз) 15,6 минг квадрат километр. Аҳолиси 2239,8 минг киши (1995 йил). Тошкент вилоятида 15 туман (Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз, Юқоричирчиқ, Янгийўл, Ўртачирчиқ, Қибрай, Қўйичирчиқ), 17 шаҳар (Ангрен, Бекобод, Бўка, Келес, Олмалик, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Солдатский, Тошкент, Тўйтепа, Чиноз, Чирчиқ, Янгийўл, Янгиобод, Ҳазалкент), 18 шаҳарча (Алимкент, Бўзсув, Гулбаҳор, Зафар, Искандар, Красногорск, Нуробод, Олмазор, Салор, Туябўғиз, Чигирик, Чорвоқ, Эшонгузар, Янгибозор, Янги Чиноз, Янги ҳаёт, Ўртаовул, Қибрай), 146 қишлоқ бор (1995 й).

ТАБИАТИ. Вилоятнинг шимолий-шарқий қисмини Чотқол, Курама, Пском ва Ўгом тизма тоғлари ташкил қилган. Худудининг катта қисми жануб ва жануби-ғарбга томон Сирдарёга қия тушган тоғолди текислигидан иборат. Тошкент вилояти кучли сейсмик зонада жойлашган: Иқлими кескин континентал. Қиши кам қорли, нисбатан юмшоқ, ёзи узоқ, иссиқ, қуруқ. Январнинг ўртача температураси 1,3 дан 1,8 даражагача, июлники 26,8 даража. Текислик-

ларга йилига 250 мм. тоғолдиларига 350-400 мм, тоғларга 500 мм ёгин тушади. Асосий дарёлари: Сирдарё (Тошкент вилоятида ўрта оқими, узунлиги 125 км.) ва унинг ирмоқлари, Чирчиқ ҳамда Оҳангарон. Дарёлар қор ва муздан тўйиниб, сув сўғоришга ва гидроэнергия олишда ишлатилади.

Сирдарё соҳилларида тўқайзорлар бор. Тоғларда 1200 — 1400 метр баландликда тоғ даштлари, ундан юқорида арчазорлар, 2000 метрдан юқорида субальп ва альп ўтлоқлари учрайди. Оҳангарон водийсида бўта ўсимликлари (учқат, наъматак ва бошқалар) ўсади.

Текисликларда сариқ юмронқозик, қўшоёқ, кўрсичқон, судралувчилардан чўл тошбақаси, калтакесак ва бошқа, Сирдарё бўйидаги тўқайларда чиябўри, қуён, тоғ олди ва тоғларда жайра, тоғ кўйи, каклик, тўрғай ва бошқалар яшайди. Дарё ва сув ҳавзаларида зогора балиқ, лешт, судак, лаққа балиқ, чўртон, дарё мансабларида маринка балиғи учрайди. Тошкент вилоятида Чотқол тоғ-ўрмон қўриқхонаси жойлашган.

АҲОЛИСИ. Миллий таркиби ўзбеклар (50,2 фоиз), руслар (14,6 фоиз), козолар (12,4 фоиз), тожиклар (4,2 фоиз), татарлар (5 фоиз), корейлар (3,6 фоиз), турклар (2,0 фоиз), қирғизлар (0,5 фоиз), уйғурлар (0,4 фоиз), украинлар (1,2 фоиз), немислар (0,9 фоиз), яҳудийлар (5 фоиз) ва бошқалар. Ҳар бир квадрат километрга 279,2 киши тўғри келади (Тошкент шаҳри билан биргаликда). Вилоят шаҳар аҳолиси жиҳатдан республикада 1-ўринда. Шаҳарликлар (935,3 минг киши) жами аҳолининг 42,8 фоизини ташкил этади, қишлоқ аҳолиси 1304,5 минг киши (1995).

Хўжалиги. Саноати. Тошкент вилояти — республиканинг энг ривожланган вилояти. Унинг географик ўрни иқтисодийнинг равнақ топишига имкон беради. Вилоят халқ хўжалиги мажмуи асосан пойтахт халқ хўжалиги мажмуини тўлдирди. Саноат қуввати даражаси бўйича Ўзбекистонда 2-ўринда туради. Вилоятда 276 давлат саноат корхонаси бор (1996). Саноатининг етакчи тармоқлари, энергетика, машинасозлик, кон-металлургия, кимё, тикувчилик, пойабзал, пахта тозалаш, тўқимачилик.

Вилоятда 45 қўшма корхона, 2632 кичик корхона, 328 ширкат бор. Энг муҳимлари: «Ғиштчи» кичик корхонаси (Ангрен шаҳрида), «Агат» ва «Фарҳод» кичик корхоналари (Бўстонлик туманида), «Металлургремонт» кичик корхонаси (Бекобод шаҳрида), «Орион» кичик корхонаси (Қибрай туманида) ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: пахтачилик, боғдорчилик, тоқчилик, пиллачилик; тоғ этакларида лалмиқор деҳқончилик (асосан бугдой ва арпа етиштирилади). Қишлоқ хўжалик корхоналари ер майдони (томорқа ерларини қўшган ҳолда) 844,4 минг га., қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган жами ерлари 583,2 минг га., пичанзорлар 17,4

минг га., яйловлар 188,4 минг га., (1995). Барча экин майдони 354,7 минг га., шу жумладан дон экинлари 103,4 минг га., техника экинлари 114,4 минг га., шундан сабза-вот-полиэ экинлари 43,7 минг га., озуқа экинлари 93,2 минг га. (1995).

Тошкент вилоятида кўпгина сўғориш каналлари — Бўзсув, Зах, Қорасув, Ҳамдам, Далварзин, Паркент, Шим, Тошкент ва Юқори Тошкент, Моргуненков номидаги каналлар, Тошкент, Чорвоқ, Оҳангарон сув омборлари қурилган. Машина ёрдамида сўғориш ривожланган. 118 насос станцияси барпо этилган. Ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш мақсадида жами узунлиги 7918 километр бўлган коллектор-дренаж тармоқлари қурилган.

Чорвачилик гўшт-сутта иқтисосолашган. 438,0 минг қорамол, 228,7 минг сигир, 109,7 минг чўчка, 563,0 минг хўй ва эчки, 6,2 минг қорақўл қўйлари, 71,5 минг эчки, 4136,2 минг парранда бор.

Вилоятда ташқи иқтисодий алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. АҚШ, Япония, Швейцария, Исроил, Финляндия, Германия, Австрия, Франция каби ривожланган, шунингдек Осиё ва Африканинг ривожланаётган хорижий давлатлари билан ўзаро манфаатли савдо олиб борилмоқда.

МАДАНИЙ-МАОРИФИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ. Тошкент вилоятида 1994/95 ўқув йилида 2 олий ўқув юртида 12,9 минг талаба, 33 хунар-техника билим юртида 16,8 мингдан ортиқ, 894 умумий таълим мактабида 458,0 минг ўқувчи, 11 лицейда 2,6 минг ўқувчи, 5 гимназияда 1,6 минг ўқувчи ўқиди. 810 оммавий кутубхона (10592 минг нуска китоб ва журнал), 3 театр, 410 клуб муассасаси, 212 киноқурилма, 6 музей бор. 968 мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида 129,3 миңдан ортиқ бола тарбияланмоқда. Вилоятдаги 141 касалхона муассасасида (16,9 минг ўринли) 5,6 минг врач, 24,5 минг ўрта тиббий ходим ишлайди. Тошкент вилоятида 4 санаторий, 8 дам олиш уйи ва пансионат бор. «Қибрай» ва шаҳардан 20 км. нарида «Тошкент минерал суви» курортлари жойлашган. Тошкент вилояти Марказий Осиёда саёҳат ва экскурсия маркази ҳисобланади.

МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ. Вилоят худудида илк ўрта асрларда бунёд этилган шаҳар, қишлоқ ва саройлар хароба ҳолида тупроқ остида қолиб кетган. Ўрта асрларга оид йирик меъморий биноларнинг аксар қисми Тошкент шаҳрида бунёд этилган. Улардан 14 — 19 асрларда қурилган макбара ва мадрасаларнинг айримларигина ҳозиргача сақланган. Зангиота ансамбли — Тошкент вилоятидаги энг машҳур, Марказий Осиёдаги ноёб меъморий ёдгорликдир. Зангиота қишлоғида жойлашган, 15 — 20 асрлар давомида қурилган. Кўп қиррали минораси 20 аср бошларида ғиштдан бино қилинган. Зангиота мақбараси пештоқли айвон, зиёратхона, гўрхоналардан иборат. Мажмуот таркибида Анбар биби мақбараси ҳам бор.

БИР ОДАМ — БИР ОЛАМ

ЕР «ЮРАГИН» ЭР БИЛАР...

...ИЛК саҳарда полиз кезган киши она-замин тароватини, унинг муқаддас исини бутун вужуди билан пайқайди. Бундай онларда Ватанга, муқаддас тупроққа, ота-онага, киндик қони тўкилган масканга меҳр-муҳаббат уйғонади... Ана шундай сарфайз саҳарларнинг бирида пискентлик Пўлат деҳқон оиласида бир фарзанд дунёга келди. Унинг исмини кароматли бўлсин деб яхши ният билан Каримжон қўйдилар...

Орадан йиллар ўтди. Пок ният ижобат бўлди. Балоғатга етган пискентлик йигит Урта Осие политехника олийгоҳининг гидрогеология ва геология муҳандислиги куллиетида тахсил олиб, ер қазрига қўлоқ солуви мутахассис бўлиб етишди. Қадрадон институтида устозлар назарига тушди. Академик Фани Мавлонов сингари кишилар унинг пешонасини синадилар. Нозик сирриёт — ер қатламлари тузилиши, унинг «томиларида» оқадиган сувлар йўналишларини кашф этиш учун йўлланма бердилар.

К. Пўлатов узоқ йиллар Қарши чўлларидида ишлади. Бепоев чўлларнинг қумлик довлари, кўчкилар, сувсизлик, шамол

бўронлари каби табиий ҳодисаларнинг сир-асрорларини урганди. Ерга, илмга бўлган чексиз муҳаббат ёш тадқиқотчини эр иштиёқ билан тер тўкишга ундади.

Чўлни ўзлаштириш. Бу ибора замирида тинимсиз изланиш ва узлуксиз меҳнат ётади. Даставвал, чўл бағрига оёқ қўядиган соҳа кишилари геолог-муҳандислар ҳисобланади. Улар биринчи бўлиб туб жой физик-механик ҳолати хоссаларини синчиклаб кўзатишди. Уларнинг тавсияларидан кейингина айни ҳудудларда деҳқончилик ривож топади, ирригация иншоотлари бунёд этилади, катта-кичик йўллар қурилади, саноат тармоқлари вужудга келади.

Қарши шаҳрининг эртадан тор-

тиб ҳозирги Талимаржон сув омбори ҳудудлари-ю, Туркменистон чегарасигача бўлган масофаларни гоҳ уловда, гоҳ пиёда босиб ўтиш осон кечмади. Қадамба-қадам ерости қатламлари бурғиланди, ернинг геологик хусусиятлари илмий битикларга туширилди.

Уша тадқиқотлар самараси ўлароқ Каримжон Пўлатов 1968 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1991 йилнинг кеч кулида эса «Ер қурасининг арид (иссиқ) минтақаларида соғ тупроқ жинсларининг ҳосил бўлиши, бундай жойларнинг қонуниятлари ҳамда уларнинг сув таъсирида чўкиш ҳолатларини аниқлаш ва баҳорат қилиш услублари» мавзусида докторлик диссертациясини сўқлади. 1992 йилда эса Табиий фанлар академиясига мухбир-аъзо этиб сайланди.

Кечагина тадқиқотчи ҳисобланган ёш олим эндиликда ўз билимини ёшларга ўргата бошлади. Бир неча йил олий ўқув даргоҳларида мударрислик қилди. Ушлаб номзодларга ёрдам қилини чўзд. Юздан ортиқ мақолалар, ундан зиёд асарлар муаллифи бўлди.

К. Пўлатов айни кунларда таваллудининг 60 йиллигини нишонламоқда. Унинг ибрат бўлгудек ҳаёти, ҳалол меҳнати юзага чиқди. Эндиликда Каримжон ака устозлар,



шоғирдлар, ажойиб оила аъзолари оғушида масрур яшамоқда.

Инсон умрини оқар дарёга қиёс қиладилар. Каримжон ака Пўлатов ўзининг умр сўқмоқларига ҳаслан назар ташлар экан, ширин табассум билан: «Ҳа, мен бежиз яшаганим йўқ» дея олади. Республикамиз фани тарққётига, иқтисодийига қўшган камарин ҳисаси, кўплаб муносиб шоғирдлар етиштиргани, эл қорига яроғчи фарсандлар тарбиялагани боис у ана шундай дейишга ҳақлидир. Маънавий ҳаётнинг қудрати, лҳзқипи, балким, ана шу сўзларидир.

Сайидоллим ҲАЙДАРОВ.

РУХШУНОСДАН РУХЛАНИБ

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги пойабзал фабрикасида кўплаб хотин-қизлар меҳнат қилишади. Улар халқимизга кўркам ва сифатли маҳсулот етказиб бериш йўлида астойдил ҳаракат қиляптилар.

Ишда пешқадам лобар аёллар ҳузурига яқинда оила илмининг зукқоси, таниқли шоира ва руҳшунос олима Турсуной Содиқова меҳмон бўлиб келди. Опанинг бугунги кун аёли муаммолари ва уни ҳал этиш, аёл назокати, гўзаллигига, қизларни турмушга тайёрлашга оид маърузаси йиғилганларга манзур бўлди. Олима хотин-қизларни қизқитирган саволларга жавоб қайтарди, қимматли маслаҳатлар берди.

Замира ТўЛАГАНОВА.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

«Дўстлик» МУХЛИСЛАРИНИ ҚУВОНТИРМОҚДА

Вилоятимиз вакиллари шанба куни Андижоннинг «Наврўз» футболчилари билан XVIII—турнинг кечиктирилган учрашувини ўтказишди. Уйин мезбонларнинг тўла устунлигида ўтди. Жаъфар Ирисметов, Фарид Хабибулин ва Юрий Винтовкинлар уч бор «Наврўз» дарвозасини ишғол этишди.

Жаъфар Ирисметов ва Фарид Хабибулинлар ўз ҳисобларидаги голларни 12 таданга етказиб, кучли тўпурақлар рўйхатидан жой олиб туриптилар. 3:0 ҳисобида навбатдаги галабани қўлга қиритган «Дўстлик» 39 очко билан жадалда бешинчи ўринни эгаллаб турипти. Олтинчи ўринда бораётган «Пахтакор» жамоасидан беш очко ўзиб кетди. Тўғри, тошкентликлар «Дўстлик»ка қараганда битта кам ўйин ўтказишган.

Ҳурматли футбол мухлислари, Сизларни эртага «Дўстлик» ўйингоҳига таклиф этамиз. Бу ерда мавсумнинг энг қизиқарли учрашувларидан бири бўлади. «Дўстлик» «Пахтакор»ни қабул қилади.

27 ТУР ЯКУНИДАН СЎНГ

Ўзбекистон спартакиадаси мусобақалари давом этмоқда. Велопойгачилар беллашувидан сўнг 27-турга яқун ясалди. Гулистон — Боёвўт йўллари бўйлаб ўтказилган пойгада аёллар ўртасида Тошкент вилояти вакили Фотима Галиуллина икки бор галаба шохсупасига кўтарилди. У 15 ва 30 километр масофаларга бўлган беллашувларда биринчи бўлди. Эркаклар ўртасида 30 километрлик масофада тошкентлик Дамир Иратов 39 ми-

нут 18 секунд натижа билан биринчи ўринни эгаллади. Тошкент вилояти вакиллари жамоа ҳисобида 186,4 очко тўплаб, учинчи бўлишди.

Спартакиада дастури асосида ниҳоясига етган 27 турдан сўнг вилоятимиз вакиллари 4646 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида Тошкент, Андижон, Самарқанд спортчиларидан сўнг тўртинчи ўринни эгаллаб туришибди.

БОШ СОВРИН БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Ўзбек тазквандочиларининг шўхрати тобора ортмоқда. Улар қатор нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашишмоқда. Мана, улар куни кеча Одесса шаҳрида бир қатор мамлакатлар иштирокида «Қора денгизнинг оқик мукофоти» учун ўтказилган халқаро турнирдан зафар кучиб қайтишди. Россия, Руминия, Белоруссия, Греция, Туркия, Украина, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг юздан зиёд кучли тазквандочилари қатнашган бу баҳсда ўзбек спортчилари жамоа ҳисобида биринчи мукофотли ўринга сазовор бўлишди. 50 килограммгача вазнда Равшан Тошпўлатов, 58 килограммгача

вазниллар баҳсида Александр Ни, 83 килограммдан юқори вазниллар баҳсида Акмал Икромовлар ҳурмат шохсупасининг биринчи поғонасига кўтарилдилар. Ўсмирлар ўртасида Павел Тян, қизлар ўртасида Оксана Ни, 13 ёшгача болалар ўртасида Евгений Лилар ҳам мукофотли ўринларга сазовор бўлишди.

Р. Тошпўлатов, А. Ни ва Е. Лилар турнирнинг энг маҳоратли спортчилари деб топилиб, махсус мукофотлар билан тақдирланишди. Ўзбекистон тазквандочиларининг бу катта ютуғида сўзсиз бош устоз Герасим Пахнинг ҳам хизматлари катта.

ТАЙСОННИНГ НОКАУТЛИ ГАЛАБАСИ

Лас Вегас штатида таниқли оғир вазнли боксчи Майк Тайсон билан ҳамюрти Брюс Селдонг ўртасида жаҳон чемпионлиги учун ўзаро учрашув бўлиб ўтди. Майк Тайсон оғир вазнли профессионаллар ўртасида ҳамон тенги йўқ кучли спортчи эканлигини исботлаб келмоқда. У рақибини 1

Нималар бўлмайдими дейсиз?

минут 47 секундда нокаутга учратиб, галабага эришди. РЕКЛАМАДАН МИЛЛИОН-МИЛЛИОН ТОПГАНЛАР
Маълумки, спорт оламида донг таратган юлдузлар реклама орқали мўмайгина даромад топадилар. Салкам бир йил ораллиғида аниқроғи, 1996 йилнинг августидан 1997 йилнинг

июлигача машҳур баскетболчи Майкл Жордон реклама орқали 38 миллион доллар даромад кўрди. Шакил О'Нил ана шу муддатда энг кўп пул топган спортчилар рўйхатида иккинчи ўринда турибди. Унинг даромади 23 миллион долларни ташкил этди. Арнольд Пальмер 16 миллион (гольф), Андре Агасси 15,8 миллион (теннис), Жек Никлос 14,5 миллион доллар (гольф) ишлади.

Маданий ҳаёт
САҲНАДА ЎҚУВЧИЛАР

БУГУНГИ ёш авлодга боболаримиз тарихдан сабоқ беришда, уларга халқимиз ўтмишини ўргатишда, маданият масканларида ташкил этилаётган тадбирлар катта самара бермоқда. Маданият ходимлари томонидан саҳнага олиб чиқилаётган томошаларда ўзбек халқи тарихи, ота-боболаримиз жасорати ўз аксини топмоқда. Шўниси диққатга сазоворки, мазкур тадбирларда болаларнинг ўзлари иштирок этиб, санъатнинг сеҳрли олаmidан завқ олмоқдалар. Паркент тумани болалар кутубхонаси ва марказий маданият уйи ҳамкорликда тайёрлаган «Улар шу кунлар учун курашганлар» деб номланган театролаштирилган кечада Тумарис,

Широқ, Амир Темур, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат ва бошқа бобокалонларимиз ҳаётдан олинган саҳна томошалари намойиш этилди. Дилшодлик Аъзимбоев, Муҳаррамхон Тўланова, Гулзахро Эрматовалар тайёрлаган тадбирда узоқ тарихимиз, ота боболаримизнинг озодлик сари интилишлари янги маълумотлар асосида ўз талқинини топди. Асосий сиймоларни маданият уйи бадиий ҳаваскорлари билан бир қаторда, болалар ижодий жамоалари, Қутбиддин Тўқсонов раҳбарлигидаги туман мусиқа мактаби ўқувчилари гавдалантирмоқдалар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ТАШКИЛОТ

ЗИЛ, ГАЗ-53, ГАЗ-24, МАЗ,

КамАЗ автомобилларининг

поршенлар гуруҳлари, тирсақли

ўқлари, поршен халқалари ва бошқа

эҳтиёт қисмлари, шунингдек

Д-240 нинг поршен халқаларини

сотади.

Мурожаат учун

телефон: 56-02-13

«Резонанс» кичик корхонасининг думалоқ муҳри ва бурчакли штаппи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Якқасарой туманидаги «Миддл-Азия» савдо саноат уйи ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади. Т. 54-22-88.

«Универсал» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Маълумки:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Шалғоқлар
хатлар ва аммовий
ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.